



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 21 » сентябрь

№ 576

Toshkent sh.

### Якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратишни янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

**1. Ипотека кредитларининг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш мақсадида** тажриба тариқасида Андижон вилоятининг Андижон шахри, Қўрғонтепа ва Шаҳрихон туманларида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан “Ипотека-банк” АТИБ ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБлар томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратиш бўйича қуидагиларга:

мижознинг танловига кўра, хўжалик усулида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредити қарз олувчининг **банк пластик карточкасига босқичма-босқич ўтказиши** йўли билан ажратилишига;

қурилиш даври учун **6 ой имтиёзли давр** белгиланишига;

даромадлари түғрисида камида охирги уч ой учун иш жойидан берилган маълумотномалар, иш берувчи томонидан берилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия тўловлари, фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган доимий тарздаги даромадлар давлат солик хизмати органи томонидан тасдиқланган жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича декларациялар билан бирга ва халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келиб тушган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа даромадларни қарз олувчининг (биргаликда қарз олувчининг) кредитга лаёқатлиигини ҳисоблашда инобатга олишга;

кредитнинг мақсадли ишлатилишини банк ва қарз олувчи ўртасида дастлаб имзоланган уй-жой қурилишини бажариш режа-жадвали асосида бажарилган ишлар сифатида қабул қилишга;

кредит ажратиш учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (ер усти ва ер ости муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси тархи, якка тартибда уй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, уларнинг кесимлари ва бинонинг олд томони тарҳлари, молиявий смета ҳисоб-китоби) ҳамда асосий турдаги қурилиш материаллари қиймати асос сифатида қабул қилинишига;

якка тартибдаги уй-жойларнинг молиявий смета ҳисоб-китобининг 10 фоизи миқдорида бошланғич бадал сифатида қарз олувчининг маблағлари, мавжуд қурилиш материаллари, ишчи кучи ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қабул қилинишига рухсат берилсин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБга мазкур қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг ички низомларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.К. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов